



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o'g'li</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO'LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA'MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
<b>2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова</b> СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
<b>3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли</b> ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
<b>4. Шукурова Малика Шахобидинова</b> ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
<b>5. Umarov Abbosjon Asliddin o'g'li</b> SUG'URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG'URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
<b>6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
<b>7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich</b> YEVIROPA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
<b>8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
<b>9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich</b> FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN'IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
<b>10. Баракаев Лазизжон Отакулович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	93
<b>11. Имомназаров Алишер Хасанович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
<b>12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113




**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

**Баракаев Лазизжон Отакулович,**  
 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
 Академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: barakayevlazizjon08@gmail.com

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН  
 Фойдаланишнинг процессуал шакллари ва уларнинг ўзига хос  
 жиҳатлари**

**For citation:** Barakaev Lazizjon Otakulovich. PROCEDURAL FORMS OF USING SPECIAL ECONOMIC KNOWLEDGE IN CRIMINAL PROCEDURE AND THEIR SPECIFIC FEATURES. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353183>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада жиноят ишларини юриштида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф турли олимлар томонидан илгари сурилган илмий қарашларни қиёсий ўрганиб, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг асосий ва қўшимча процессуал шакллари ажратиб кўрсатган. Мақолада суд-иқтисодий экспертизаси, мутахассис иштироки, тафтиш ва текширувлар, ҳужжатли текширувлар каби асосий процессуал шакллар батафсил ўрганилган. Тадқиқот давомида суд-иқтисодий экспертизасининг турлари (суд-бухгалтерия, суд-молиявий, суд-иқтисодий ва суд-солиқ экспертизалари) таҳлил қилинган. Шунингдек, мутахассис иштирокининг турли шакллари, тафтиш ва текширувларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари такомиллаштириш борасида амалий таклифлар илгари сурилган. Мақолада келтирилган хулосалар иқтисодий жиноятларга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Калит сўзлар:** махсус иқтисодий билимлар, суд-иқтисодий экспертиза, мутахассис иштироки, проуесскал шакллар, тафтиш ва текширув, иқтисодий жиноятлар.

**Баракаев Лазизжон Отакулович,**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной  
 Академии Республики Узбекистан  
 E-mail: barakayevlazizjon08@gmail.com

## ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ФОРМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ И ИХ СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье глубоко анализируются процессуальные формы использования специальных экономических знаний в уголовном судопроизводстве и их специфические особенности. Автор проводит сравнительное исследование научных взглядов, выдвинутых различными учеными, и выделяет основные и дополнительные процессуальные формы использования специальных экономических знаний. В статье подробно изучаются такие основные процессуальные формы, как судебно-экономическая экспертиза, участие специалиста, ревизии и проверки, документальные проверки. В ходе исследования проанализированы виды судебно-экономической экспертизы (судебно-бухгалтерская, судебно-финансовая, судебно-экономическая и судебно-налоговая экспертизы). Также рассмотрены различные формы участия специалиста, специфические особенности ревизий и проверок. Автором выдвинуты практические предложения по совершенствованию процессуальных форм использования специальных экономических знаний. Выводы, представленные в статье, могут служить теоретической основой для повышения эффективности борьбы с экономическими преступлениями и совершенствования уголовно-процессуального законодательства.

**Ключевые слова:** специальные экономические знания, судебно-экономическая экспертиза, участие специалиста, процессуальные формы, ревизии и проверки, экономические преступления.

**Barakaev Lazizjon Otakulovich,**

Independent researcher at the Law Enforcement  
Academy of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: barakayevlazizjon08@gmail.com

## PROCEDURAL FORMS OF USING SPECIAL ECONOMIC KNOWLEDGE IN CRIMINAL PROCEDURE AND THEIR SPECIFIC FEATURES

### ANNOTATION

The article provides an in-depth analysis of the procedural forms of using special economic knowledge in criminal proceedings and their specific features. The author conducts a comparative study of scientific views advanced by various scholars and distinguishes between basic and additional procedural forms of using special economic knowledge. The article examines in detail such main procedural forms as forensic economic examination, participation of specialists, audits and inspections, and documentary reviews. During the research, types of forensic economic examination (forensic accounting, forensic financial, forensic economic, and forensic tax examinations) are analyzed. Various forms of specialist participation and specific features of audits and inspections are also considered. The author puts forward practical proposals for improving procedural forms of using special economic knowledge. The conclusions presented in the article can serve as a theoretical basis for increasing the effectiveness of combating economic crimes and improving criminal procedural legislation.

**Keywords:** special economic knowledge, forensic economic examination, participation of specialist, procedural forms, audits and inspections, economic crimes.

Жиноят ишларини юриштида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари таҳлил қилиш ушбу институтнинг моҳияти ва юридик табиатини янада кенгроқ англашимизга ёрдам беради. Ушбу масала кўплаб олимлар томонидан турлича талқин қилинган бўлиб, уларни қуйида батафсил таҳлил қиламиз.

Аввало, Е.Р.Россинская таъкидлаганидек, махсус билимлардан фойдаланиш шакллари – бу махсус билимларни қўллаш усуллари бўлиб, улар процессуал ёки нопроцессуал хусусиятга эга бўлиши мумкин. [1].

Бизнингча, ушбу таъриф махсус билимлардан фойдаланиш шакллари кенг қамровли тушунтиради, аммо уларнинг аниқ турларини очиб бера олмайди.

Т.В.Аверьянова эса ушбу масалада аниқроқ ёндашувни таклиф қилиб, махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларига суд экспертизаси, мутахассис иштироки, тафтиш ва ҳужжатли текширишни киритади. [2].

Е.А.Зайцева махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари икки гуруҳга бўлади:

- асосий (суд экспертизаси);
- қўшимча (мутахассис иштироки, тафтиш, ҳужжатли текшириш). [3].

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, барча олимлар суд экспертизасини махсус билимлардан фойдаланишнинг энг муҳим процессуал шакли сифатида эътироф этадилар. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки экспертиза натижасида олинган хулоса мустақил далил сифатида қабул қилинади.

Шунингдек, Т.В. Аверьянова ва Е.А. Зайцевалар тафтиш ва ҳужжатли текширишни ҳам процессуал шакллар каторига киритадилар.

Бизнингча, Е.А. Зайцеванинг таснифи тушунарлироқ бўлиб, сабаби у асосий ва қўшимча шаклларни ажратиб кўрсатади. Бу эса тергов органларига махсус билимлардан фойдаланиш шакллари танлашда устуворликларни белгилашга ёрдам беради.

Фикримизча, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари куйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Асосий шакл:

- суд-иқтисодий экспертизаси.

2. Қўшимча шакллар:

- мутахассис иштироки;
- тергов ҳаракатларида иқтисодий билимлардан фойдаланиш (масалан, ҳужжатларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш).

Тафтиш ва ҳужжатли текширишларни эса махсус билимлардан фойдаланишнинг нопроцессуал шакллари сифатида кўриб чиқиш тўғрироқ бўлади.

Тадқиқот давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномадаги “Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг асосий процессуал шакллари қонунчиликда мустаҳкамлаш керак деб ҳисоблайсизми?” деган саволга унда иштирок этган 307 нафар респондентларнинг 84,4 фоизи “Ҳа. Бу амалиётда муҳим аҳамиятга эга” деган мазмундаги жавобни беришган.

Энди эса махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг асосий процессуал шакли ҳисобланадиган суд-иқтисодий экспертизасини батафсил кўриб чиқамиз. Суд-иқтисодий экспертизаси махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг энг муҳим ва кенг тарқалган процессуал шаклидир. Бу борада турли олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

Е.Р. Россинская таъкидлаганидек, суд-иқтисодий экспертизаси – бу иқтисодий фаолият соҳасидаги махсус билимларга асосланган тадқиқот бўлиб, унинг натижасида далилий аҳамиятга эга бўлган янги фактик маълумотлар олинади. [5].

Бизнингча, ушбу таъриф суд-иқтисодий экспертизасининг моҳиятини яхши очиб беради, аммо унинг процессуал жиҳатларини етарлича ёритмайди.

С.П. Голубятников эса суд-иқтисодий экспертизасининг куйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

- а) суд-бухгалтерия экспертизаси;
- б) суд-иқтисодий экспертизаси;
- в) суд-молиявий экспертизаси;
- г) суд-инженер-иқтисодий экспертизаси. [6].

Бу таснифлаш суд-иқтисодий экспертизасининг турли жихатларини қамраб олади ва амалиётда кенг қўлланилади. Бироқ, баъзи олимлар бу таснифни тўлиқ эмас деб ҳисоблайдилар.

Масалан, Ш.Н. Ҳазиев суд-иқтисодий экспертизасининг яна бир тури - суд-солиқ экспертизасини ҳам киритишни таклиф қилади. [7]. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки солиқ соҳасидаги жиноятлар сони ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай экспертиза тури долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, суд-иқтисодий экспертизасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: суд-иқтисодий экспертизаси – бу иқтисодий фаолият соҳасидаги махсус билимларга асосланган, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан тайинланадиган ва эксперт томонидан ўтказиладиган тадқиқот бўлиб, унинг натижасида жиноят иши учун аҳамиятли бўлган янги фактик маълумотлар олинади ва расмий ҳулоса шаклида расмийлаштирилади.

Суд-иқтисодий экспертизасининг асосий турлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- суд-бухгалтерия экспертизаси;
- суд-молиявий экспертиза;
- суд-иқтисодий экспертиза;
- суд-солиқ экспертизаси.

Ҳар бир турдаги экспертиза ўз вазифаларига эга бўлиб, улар орқали иқтисодий жиноятларнинг турли жихатлари ўрганилади. Масалан, суд-бухгалтерия экспертизаси орқали бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилиги, молиявий операцияларнинг қонунийлиги текширилса, суд-молиявий экспертиза корхонанинг молиявий ҳолатини, тўловга қобилиятлигини, банкротлик аломатларини аниқлашга қаратилган бўлади.

Суд-иқтисодий экспертизасини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 172-187-моддаларида белгиланган. Унга кўра, экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилади, унда экспертнинг олдида қўйилган саволлар, тақдим этилган материаллар кўрсатилади. Экспертиза натижалари бўйича эксперт ҳулоса тузади, у эса далил сифатида баҳоланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, суд-иқтисодий экспертизаси махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг энг муҳим процессуал шакли бўлиб, у орқали иқтисодий жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар олинади. Бу эса ўз навбатида жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг иккинчи муҳим процессуал шакли – бу мутахассис иштирокидир. Бу масалада ҳам турли олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

Е.В. Селина таъкидлаганидек, мутахассис – бу терговчи ёки судга тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам бериш учун жалб этиладиган, муайян соҳада махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган шахсдир. [8].

Фткримизча, мазкур таъриф мутахассиснинг асосий вазифасини аниқ кўрсатиб бера олади.

В.Н. Махов эса мутахассис иштирокини кенгроқ талқин қилади. Унинг фикрича, мутахассис нафақат тергов ҳаракатларида иштирок этади, балки терговчига маслаҳатлар бериши, тушунтиришлар бериши, ҳужжатларни таҳлил қилишда ёрдам бериши мумкин. [9]. Мазкур ёндашув мутахассис ролини кенгроқ очиб беради.

Миллий олимларимиздан И.Р. Астанов мутахассис иштирокининг қуйидаги шакллари ажратиш кўрсатади:

1. тергов ҳаракатларида иштирок этиш;
2. маслаҳатлар бериш;
3. тушунтиришлар бериш;
4. ҳужжатларни таҳлил қилишда ёрдам бериш. [10].

Бу таснифлаш мутахассис иштирокининг турли жиҳатларини қамраб олади ва амалиётда кенг қўлланилади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– аксарият олимлар мутахассис иштирокини махсус билимлардан фойдаланишнинг муҳим процессуал шакли сифатида эътироф этадилар. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки мутахассис иштироки орқали терговчи ёки суд иқтисодий масалаларда зарур ёрдам олади;

– В.Н. Махов ва И.Р. Астановнинг ёндашувлари мутахассис ролини кенгроқ талқин қилади. Бу ёндашув амалиётда кўпроқ қўлланилади, чунки мутахассис нафақат тергов ҳаракатларида иштирок этади, балки бошқа шаклларда ҳам ёрдам беради;

– мутахассис иштирокининг турли шакллари мавжудлиги унинг универсаллигини кўрсатади. Бу эса терговчи ёки судга керакли пайтда зарур ёрдамни олиш имконини беради.

Фикримизча, иқтисодий жиноятларни тергов қилишда мутахассис иштирокининг аҳамияти жуда катта. Чунки бу турдаги жиноятлар мураккаб иқтисодий операциялар, молиявий ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлиб, уларни тушуниш ва таҳлил қилиш учун махсус билимлар талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 69-моддасига кўра, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Бу норма мутахассис иштирокининг ҳуқуқий асосини белгилаб беради.

Иқтисодий жиноятларни тергов қилишда мутахассис сифатида одатда бухгалтерлар, иқтисодчилар, молиячилар, солиқ мутахассислари жалб этилади. Улар қуйидаги вазифаларни бажаришлари мумкин:

– тергов ҳаракатларида иштирок этиш. Масалан, тинтув ўтказишда мутахассис-бухгалтер қандай ҳужжатларни қидириш кераклиги, уларнинг қаерда сақланиши мумкинлиги бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

– ҳужжатларни таҳлил қилишда ёрдам бериш. Мутахассис молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳужжатлари, банк ҳужжатларини ўрганиб, уларда мавжуд бўлган қонунбузарликларни аниқлашда ёрдам беради.

– терговчига маслаҳатлар бериш. Мутахассис иқтисодий масалалар бўйича терговчига тушунтиришлар бериши, қандай саволларни ўрганиш кераклиги бўйича тавсиялар бериши мумкин.

– экспертиза тайинлаш учун саволлар тузишда ёрдам бериш. Мутахассис суд-иқтисодий экспертизаси тайинланаётганда экспертга қўйиладиган саволларни тўғри шаклантиришда кўмаклашади.

Мутахассис иштироки билан ўтказилган тергов ҳаракати натижалари баённомада қайд этилади. Мутахассиснинг тушунтиришлари ҳам баённомага киритилади. Шунингдек, мутахассис ўз фикрини ёзма равишда ҳам баён этиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мутахассис иштироки махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг муҳим процессуал шакли бўлиб, у иқтисодий жиноятларни самарали тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда катта аҳамиятга эга. Мутахассис ёрдами орқали терговчи ёки суд мураккаб иқтисодий масалаларни тушуниш, зарур далилларни тўплаш ва уларни тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг яна бир муҳим шакли ва текширувлардир. Бу масала юзасидан ҳам турли олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

С.П. Голубятников ва Д.А. Емельянов таъкидлашича, тафтиш – бу молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўлиб, унинг натижасида молиявий интизом бузилишлари, камомадлар, ўзлаштиришлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланади. [11]. Бу таъриф тафтишнинг асосий мақсадини яхши очиб беради.

Е.С. Дубоносов эса тафтишни кенгроқ талқин қилади. Унинг фикрича, тафтиш нафақат молиявий интизом бузилишларини аниқлайди, балки корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама ўрганади ва баҳолайди. [12]. Бу ёндашув тафтишнинг қамровини кенгроқ кўрсатади.

Б.А. Хасанов эса тафтиш ва текширувларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:  
 – режали тафтишлар;  
 – тезкор тафтишлар;  
 – мавзули текширувлар;  
 – комплекс текширувлар. [13].

Бу таснифлаш тафтиш ва текширувларнинг турли жиҳатларини камраб олади ва амалиётда кенг қўлланилади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– кўпчилик олимлар тафтиш ва текширувларни молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг муҳим воситаси сифатида эътироф этадилар. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки тафтиш орқали кўплаб иқтисодий жиноятлар аниқланади.

– Е.С. Дубоносонинг ёндашуви тафтишнинг ролини кенгроқ талқин қилади. Бу ёндашув амалиётда кўпроқ қўлланилади, чунки замонавий шароитда тафтиш нафақат камчиликларни аниқлаш, балки корхона фаолиятини яхшилаш учун тавсиялар бериш вазифасини ҳам бажаради.

– тафтиш ва текширувларнинг турли кўринишлари мавжудлиги уларнинг қўлланиш соҳасини кенгайтиради. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга керакли пайтда зарур маълумотларни олиш имконини беради.

Фикримизча, иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда тафтиш ва текширувларнинг аҳамияти жуда катта. Улар орқали молиявий ҳужжатларда акс эттирилмаган ёки яширин операциялар аниқланади, суиистеъмолликлар фoш этилади.

Тафтиш ва текширувлар қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

– жиноят иши кўзғатишдан олдин – бунда тафтиш натижалари жиноят аломатларини аниқлаш учун асос бўлади.

– жиноят иши кўзғатилгандан кейин – бунда тафтиш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида хизмат қилади.

– суд босқичида – бунда тафтиш суд томонидан ишни ҳар томонлама ўрганиш учун тайинланиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, тафтиш ва текширувлар суд-иқтисодий экспертизасидан фарқ қилади. А.Н. Мамкин таъкидлаганидек, тафтиш ва экспертиза ўртасидаги асосий фарқ шундаки, тафтишчи ўз ташаббуси билан текширув ўтказиши, кўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин, эксперт эса фақат унга тақдим этилган материаллар доирасида иш олиб боради. [14].

Таҳлиллардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тафтиш ва текширувлар махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг муҳим шакли бўлиб, улар иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда катта аҳамиятга эга. Тафтиш натижалари орқали терговчи ёки суд молиявий-хўжалик фаолиятидаги қонунбузарликлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлади, бу эса ўз навбатида жиноят ишини тўғри ҳал этишга ёрдам беради.

Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг яна бир муҳим процессуал шакли – бу ҳужжатли текширишлардир. Бу масала юзасидан ҳам турли олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

С.А.Звягиннинг таъкидлашича, ҳужжатли текширишлар – бу молиявий-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатларни ўрганиш орқали амалга ошириладиган назорат шакли бўлиб, унинг мақсади қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олишдан иборат. [15]. Бу таъриф ҳужжатли текширишнинг асосий мақсадини аниқ кўрсатиб беради.

Е.Р.Россинская эса ҳужжатли текширишни кенгроқ талқин қилади. Унинг фикрича, ҳужжатли текшириш нафақат қонунбузарликларни аниқлайди, балки корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш, хўжалик операцияларининг қонунийлигини текшириш имконини ҳам беради. [16].

Бизнигча, мазкур ёндашув ҳужжатли текширишнинг қамровини кенгроқ кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Барча олимлар ҳужжатли текширишни молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг муҳим воситаси сифатида эътироф этадилар. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки ҳужжатли текшириш орқали кўплаб иқтисодий жиноятлар аниқланади.

Е.Р.Россинскаянинг ёндашуви ҳужжатли текширишнинг ролини кенгроқ талқин қилади. Бу ёндашув амалиётда кўпроқ қўлланилади, чунки замонавий шароитда ҳужжатли текшириш нафақат камчиликларни аниқлаш, балки корхона фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш вазифасини ҳам бажаради.

Ҳужжатли текширишларнинг турли шакллари мавжудлиги уларнинг қўлланиш соҳасини кенгайтиради. Бу эса терговчи ёки судга керакли пайтда зарур маълумотларни олиш имконини беради.

Фикримизча, иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда ҳужжатли текширишларнинг аҳамияти жуда катта. Улар орқали молиявий ҳужжатларда акс эттирилган операцияларнинг қонунийлиги текширилади, ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳужжатли текширишлар алоҳида процессуал ҳаракат сифатида белгиланмаган. Бироқ, улар кўпинча тергов ҳаракатлари, хусусан ҳужжатларни кўздан кечириш доирасида амалга оширилади.

Ҳужжатли текширишлар қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

– жиноят аломатлари аниқланганда – бунда ҳужжатли текшириш жиноят ишини кўзгатиш учун асос бўлади;

– жиноят иши доирасида – бунда ҳужжатли текшириш далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида хизмат қилади;

– тергов ҳаракатлари давомида – масалан, тинтув ёки олиб қўйиш пайтида топилган ҳужжатларни дарҳол текшириш зарурати туғилганда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳужжатли текшириш тафтишдан фарқ қилади. С.П. Голубятников таъкидлаганидек, ҳужжатли текшириш одатда муайян масала ёки операция бўйича ўтказилади, тафтиш эса корхонанинг бутун молиявий-хўжалик фаолиятини қамраб олади. [17].

Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатли текширишлар махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг муҳим шакли бўлиб, улар иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда катта аҳамиятга эга. Ҳужжатли текшириш натижалари орқали терговчи ёки суд молиявий-хўжалик фаолиятидаги қонунбузарликлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади, бу эса ўз навбатида жиноят ишини тўғри ҳал этишга ёрдам беради.

Юқорида кўриб чиқилган асосий шакллардан ташқари, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг бошқа процессуал шакллари ҳам мавжуд. Бу борада турли олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

Л.П.Климович таъкидлашича, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг яна бир муҳим шакли – бу терговчи ёки суднинг ўзи томонидан бундай билимлардан фойдаланишидир. [18]. Бу фикр муҳим аҳамиятга эга, чунки терговчи ёки судьянинг ўзи ҳам маълум даражада иқтисодий билимларга эга бўлиши керак.

Е.А. Зайцева эса махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг яна бир шакли сифатида “маслаҳатчи-мутахассис иштироки”ни кўрсатади. Унинг фикрича, маслаҳатчи-мутахассис терговчи ёки судга фақат маслаҳатлар бериш билан чекланмасдан, балки уларга ёрдам берувчи шахс сифатида бутун тергов ёки суд жараёнида иштирок этиши мумкин. [19].

Миллий олимларимиздан И.Астанов эса махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг қуйидаги қўшимча шакллари таклиф қилади:

1. иқтисодий таҳлил ўтказиш;
2. молиявий мониторинг;
3. иқтисодий-криминалистик таҳлил. [20].

Бу таклифлар махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Терговчи ёки суднинг ўзи томонидан махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу уларга иқтисодий жиноятларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш, тўғри саволлар бериш ва олинган маълумотларни тўғри баҳолаш имконини беради.

Маслаҳатчи-мутахассис иштироки ғояси эътиборга лойиқ. Бу шакл терговчи ёки судга доимий равишда малакали ёрдам олиш имконини беради. Бироқ, бу шаклни қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш керак бўлади.

И.Астанов томонидан таклиф қилинган қўшимча шакллар ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисодий-криминалистик таҳлил иқтисодий жиноятларнинг янги турларини аниқлаш ва тергов қилишда самарали бўлиши мумкин.

Фикримизча, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг қўшимча шаклларини қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Бу эса иқтисодий жиноятларга қарши курашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларини такомиллаштириш масаласи кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Бу борада турли таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

В.В.Степановнинг таъкидлашича, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларини такомиллаштириш учун, аввало, қонунчиликда “махсус билим” тушунчасининг аниқ таърифини бериш лозим. [21]. Бу фикр муҳим аҳамиятга эга, чунки “махсус билим” тушунчасининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш унинг процессуал шаклларини ҳам аниқроқ белгилаш имконини беради.

Е.Р. Россинская эса махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларини такомиллаштиришда замонвий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозим деб ҳисоблайди. [22]. Бу таклиф айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, И.Р. Астанов ушбу масалага оид қуйидаги таклифларни илгари суради:

- суд-иқтисодий экспертизасининг янги турларини жорий этиш;
- мутахассис фикрининг мақомини ошириш;
- махсус иқтисодий билимларга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш. [4].

Бу таклифлар махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Юқорида келтирилган муҳокамалар натижасида қуйидагича хулосаларга келинди:

- махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг асосий процессуал шакллари суд-иқтисодий экспертизаси, мутахассис иштироки, тафтиш ва текширувлар, ҳамда ҳужжатли текширувлардан иборат;
- суд-иқтисодий экспертизаси энг муҳим шакл бўлиб, унинг хулосалари алоҳида далил тури сифатида эътироф этилади;
- мутахассис иштироки терговчи ва судга иқтисодий масалаларни тушунишда катта ёрдам беради, аммо мутахассис фикрининг ҳуқуқий мақоми қонунчиликда етарлича аниқ белгиланмаган;
- махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун қонунчиликни такомиллаштириш, янги турдаги экспертизаларни жорий этиш, мутахассис хулосасининг мақомини ошириш лозим;
- терговчи ва судьяларнинг иқтисодий билимларини ошириш, экспертиза муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш, малакали кадрлар тайёрлашни кўпайтириш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Умуман олганда, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шаклларини такомиллаштириш ва самарали қўллаш орқали иқтисодий жиноятларга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш имконияти ортади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. – М.: Норма, 2006. – 656 с. (Rossinskaya E.R. Forensic Examination in Civil, Arbitration, Administrative, and Criminal Proceedings. Moscow: Norma, 2006. 656 p.)
2. Аверьянова Т.В. Судебная экспертиза: Курс общей теории. – М.: Норма, 2009. – 480 с. (Averianova T.V. Forensic Examination: General Theory Course. Moscow: Norma, 2009. 480 p.)
3. Зайцева Е.А. Концепция развития института судебной экспертизы в условиях состязательного уголовного судопроизводства: монография. – М.: Юрлитинформ, 2010. – 424 с. (Zaitseva E.A. Concept of the Development of the Institute of Forensic Examination and the Conditions of Adversarial Criminal Proceedings: Monograph. Moscow: Yurlitinform, 2010. 424 p.)
4. Астанов И.Р. Жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2019. – № 8. – Б. 42-45. (Astanov I.R. Issues of Improving the Use of Specialized Knowledge in Criminal Procedure // Law and Duty. – 2019. – No. 8. – B. 42-45.)
5. Россинская Е.Р. Теория судебной экспертизы: учебник. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2016. – 368 с. (Rossinskaya E.R. Forensic Examination Theory: Textbook. Moscow: Norma: INFRA-M, 2016. 368 p.)
6. Голубятников С.П., Леханова Е.С. Судебная бухгалтерия и основы аудита: Учебник. – М.: Юридическая литература, 2004. – 480 с. (Golubyatnikov S.P., Lekhanova E.S. Forensic Accounting and Basic Audit: Textbook. Moscow: Legal Literature, 2004. 480 p.)
7. Хазиев Ш.Н. Теоретические основы и организация экспертного криминалистического исследования механизма преступления: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2011. – 46 с. (Khaziev Sh. N. Theoretical Foundations and Organization of Expert Forensic Research of the Mechanism of a Crime: Abstract of a Dissertation... go to the doctor. Science – Moscow, 2011. 46 p.)
8. Селина Е.В. Применение специальных познаний в уголовном процессе. – М.: Юрлитинформ, 2002. – 144 с. (Selina E. V. Application of Specialized Knowledge in Angular Proceedings. Moscow: Yurlitinform, 2002. 144 p.)
9. Махов В.Н. Использование знаний сведущих лиц при расследовании преступлений: Монография. – М.: Изд-во РУДН, 2000. – 296 с. (Makhov V. N. Use of the Knowledge of Leading Persons in Crime Investigations: Monograph. Moscow: RUDN University Press, 2000. 296 p.)
10. Астанов И.Р. Жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланиш: Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 256 б. (Astanov I. R. Use of Specialized Knowledge in Criminal Proceedings: Monograph. Tashkent: TDUU, 2020. 256 p.)
11. Голубятников С.П., Емельянов Д.А. Основы бухгалтерского учета и судебно-бухгалтерской экспертизы: Учебник. – М.: Юридическая литература, 2004. – 384 с. (Golubyatnikov S.P., Emelianov D.A. Fundamentals of Accounting and Forensic Accounting Expertise: Textbook. - Moscow: Legal Literature, 2004. - 384 p.)
12. Дубоносов Е.С. Судебная бухгалтерия: учебник и практикум для вузов. – М.: Юрайт, 2019. – 332 с. (Dubonosov E.S. Forensic Accounting: Textbook and Workshop for University Students. - Moscow: Yurait, 2019. - 332 p.)
13. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва аудит: Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2015. – 352 б. (Khasanov B.A. Management Accounting and Auditing: Textbook. - Tashkent: Economica-Finance, 2015. - 352 p.)
14. Мамкин А.Н. Теоретические основы судебно-экономической экспертизы: монография. – Н. Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2006. – 196 с. (Mamkin A.N. Theoretical Foundations of Forensic Economic Expertise: Monograph. - Nizhny Novgorod: Nizhny Novgorod Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2006. - 196 p.)
15. Звягин С.А. Судебно-бухгалтерская экспертиза: особенности организации и проведения // Судебная экспертиза. – 2015. – № 2. – С. 52-62. (Zvyagin S.A. Forensic Accounting Expertise: Features of Organization and Provenance // Forensic Expertise. - 2015. - No. 2. - Pp. 52-62.)

- 16.** Россинская Е.Р., Галяшина Е.И., Зинин А.М. Теория судебной экспертизы (Судебная экспертология): Учебник. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2016. – 368 с. (Rossinskaya E.R., Galyashina E.I., Zinin A.M. Theory of Forensic Expertology: Textbook. - Moscow: Norma: INFRA-M, 2016. – 368 p.)
- 17.** Голубятников С.П. Судебная бухгалтерия: Учебное пособие. – М.: ЮИ МВД РФ, 2002. – 512 с (Golubyatnikov S.P. Forensic Accounting: Textbook. - Moscow: Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation, 2002. - 512 p.)
- 18.** Климович Л.П. Судебно-экономические экспертизы: теоретические и методические основы, значение при расследовании преступлений: дис. ... д-ра юрид. наук. – Красноярск, 2004. – 484 с. (Klimovich L.P. Forensic Economic Expertise: Theoretical and Methodological Foundations, Importance in Crime Investigation: Dis. ... Cand. Sciences. - Krasnoyarsk, 2004. - 484 p.0
- 19.** Зайцева Е.А. Правовой институт судебной экспертизы в современных условиях. – Волгоград: ВА МВД России, 2003. – 188 с. (Zaitseva E.A. The Legal Institute of Forensic Expertise and Current Conditions. – Volgograd: VA MVD of Russia, 2003. – 188 p.)
- 20.** Астанов И. Суд экспертизаси тизимини такомиллаштириш муаммолари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2018. – № 6. – Б. 34-37. (Astanov I. Problems of Improving the Forensic Expertise System // Law and Duty. – 2018. – No. 6. – pp. 34–37.)
- 21.** Степанов В.В. Проблемы использования специальных знаний в уголовном судопроизводстве // Вестник Саратовской государственной юридической академии. – 2017. – № 5. – С. 212-218. (Stepanov V.V. Problems of Using Specialized Knowledge in Criminal Proceedings // Bulletin of the Saratov State Law Academy. – 2017. – No. 5. – pp. 212–218.)
- 22.** Россинская Е.Р. Современные проблемы использования специальных знаний в судопроизводстве // Судебная экспертиза. – 2016. – № 2. – С. 8-16. (Rossinskaya E.R. Current Problems of Using Specialized Knowledge in Legal Proceedings // Forensic Expertise. – 2016. – No. 2. – pp. 8–16.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000